



ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

УЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 82 (20. 649)

1990 йил 8 апрель, якшанба

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил март Пленуми маъқуллаган лойиҳа КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси (МНТК) партия съезида сайланади ва унга ҳисоб беради.

Комиссия партиянинг программа ҳужжатлари ва КПСС Устава, партия съезлари ва конференцияларининг қарорлари бажарилиш устидан назоратни амалга оширади, партия интизоми ҳолатини, партия ички турмуши нормаларига ва партия одобига риоя этилишини назорат қилади; КПСС бюджетни ижросини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва унинг муассасалари, корхоналари, наشريётлари молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилади; партиядан чиқариш масалалари юзасидан шикоят аризаларини кўриб чиқади.

— Партия аъзоларининг КПСС Уставада бажаришларини текширади, партия одоб ва интизомининг бузилишига айдор коммунистларни жавобгарликка тортади. МНТКнинг КПСС сафидан ўчириш тўғрисидаги қарори тегишли бошланғич партия ташкилотига маълум қилинади, бошланғич партия ташкилотига айдор билдирган тақдирда МНТКда бошланғич партия ташкилотининг вакиллари иштирокида иккинчи марта кўриб чиқилади, шундан сўнг қабул қилинган ҳисобланади.

— Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари назорат-тафтиш комиссиялари, ўлка ва область партия ташкилотларининг партия сафидан чиқариш тўғрисидаги қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади.

— Республика, ўлка, область партия ташкилотлари ва бошқа партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари ишида ёрдам беради.

4. Марказий назорат-тафтиш комиссиялари КПСС съезди белгиладиган тартибда иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари, ўлка ва область партия ташкилотлари ва СССР Қуролли Кучларининг партия органлари томонидан тасвир қилинган коммунистлардан сайланади.

КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссиясига сайланган коммунистлар партиянинг бошқа сайлаб қўйилган марказий органларига сайланиши мумкин эмас.

КПСС МНТК ялпи мажлиси заруратга қараб, йилга камида икки марта ўтказилади.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари КПСС Марказий Комитети Пленумлари ишида маълумат овози хуқуқи билан қатнашадилар. Зарур бўлган тақдирда КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма пленумлари қақрилади.

5. Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз пленумида доимий ишлайдиган орган — ўз бюросини, шу жумладан КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг камида ўн йиллик партия стажига эга бўлган ҳамраисини сайлайди. Ҳамраислар КПСС МНТК пленумлари ва бюроси мажлисларини навбатма-навбат олиб борадилар, КПСС Марказий Комитетининг Президиуми ва бошқа иккочи органларининг мажлисларида қатнашадилар.

МНТК бюроси ваколатларини ва унинг сонини КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси ушбу Низомдан келиб чиқиб белгилайди.

6. Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз вазифасига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, тафтиш ишларини юзасидан ақтлар тузади. Тафтиш қилинадиган органларнинг, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари айтилган мулоҳазалар ва тақлифлар юзасидан қўрилган чоралар ҳақида КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссиясига хабар қилишга мажбурдирлар.

7. Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз ишини ошқора олиб боради, комиссия қабул қилган қарорлар партия матбуотида эълон қилинади.

КПСС МНТК аъзолари ўз бурчларини бажариш чоғида уларнинг фаолиятини таълуқли бўлган барча партия ҳужжатларидан фойдаланиш хуқуқига эгадирлар.

8. Марказий назорат-тафтиш комиссияси партия бюджетни маблағи ҳисобидан сақлаб туриладиган ўз аппаратига эга бўлади, унинг тузилишини, штатларини муस्ताқил равишда тасдиқлайди.

9. Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг унинг тартибидан чиқариш тўғрисидаги масала КПСС Уставада кўзда тутилган тартибда ҳал қилинади.

ПАХТАКОРЛАР ИШГА КИРИШДИЛАР

ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАЙ

● **УРҒАНЧ.** Хоразм вилоятининг деҳқонлари йилга чегиранинг чегирани бошлади. Оби ҳавонинг яхши келиши ва пахтакорлар пухта ҳозирлик кўрганликлари чегирани одатдан анча илгари экишга имкон берди.

Хива районидagi Оғаҳий номи колхоз меҳнатчилари кунига 60—80 гектар ерга чегирани экишмоқда. Бу ерда турта механизациялашган комплекс отряд ташкил этилган, техника яхши соғланган, экишга аъзолари икки сменада ишлашмоқда.

Мунтазам равишда юқори ҳосил етиштириб келадиган Хонка райони пахтакорлари ҳам енг ширин ва яхши киришдилар. «Хоразм», «Правда», Охунбобое номи колхозларининг механизаторлари юксак натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги кунлик нормаларини бир ярим баравар қилиб бажармоқда.

Хоразм пахтакорлари бу йил ропла-роса 100 минг гектар ерга пахта экишлари керак. Экин майдонларининг тўртдан уч қисмини тез-тез, юқори ҳосил берадиган «175—Ф» нави эгалайди.

ТЕЗПИШАР НАВЛАР

● **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР.** Автоном жумҳурият деҳқонлари саралаб пахта эка бошладилар. Эликқала районидagi «Ленинград» ва Амударё районидagi Охунбобое номи колхозларининг механизаторлари сезиларли далавларга олиб чиқишди.

— Қорақалпоғистон деҳқонлари 135 кунда пишиб етилган «С-4727» навидан 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери фойдаланиб келишмоқда, чунки улар бу нави яхши билишди, дейди Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг бўлими бошлиғи С. Алиметов. — Бу йил биз асосан ана шу навага катта эътибор беримиз. Тўғри, шимоллий районларнинг деҳқонлари 44 минг гектар ерга маҳаллий селекционерлар етиштирган «Чимбой-3010» навини экадилар. У шўрга чидамли, бу айниқса қуриб бораётган Орол яқин ерда жойлашган районлар учун муҳим аҳамиятга эга, айни вақтда у бошқа навларга нисбатан 3—5 кун олдин етилади.

БИРИНЧИ БЎЛИБ

Умуман бу йил Қорақалпоғистонда 150 минг гектардан кўпроқ ерни пахта эгалайди. Бу эса ўтган йилга нисбатан деярли ўн ярим минг гектар кам демаслиқ.

● **ҚАШҚАДАРЁ.** Қарши районининг деҳқонлари чегирани экишга киришдилар. Бу йил Собир Раҳимов номи совхоз меҳнатчилари биринчи бўлиб бошлаб беришди. Райондаги далавларда барча агротехника тадбирлари амалга оширилди. «Чимбой-3010» нави экилмоқда. Хўжалиқда янги навага афзаллик берилмоқда. Вилоятнинг бошқа минтақаларида оралик экинлари янги равишда олинишдан сўнг пахта экилади.

Баҳор ҳозирча механизаторларнинг имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Шунга қарамай қўриқ ўлка деҳқонлари экиш мавсуми ўтган йилга нисбатан анча ушқоқлик билан ўтишига ишонмоқдалар. Иккара ва хўжалик ҳисобида ишлаётган коллективлар бунга кафили бўла олади. Ғўза навлари кунт билан танлаб олинди, зарур суғурта жамғармаси вуқудга келтирилди. Ўтган йилга нисбатан бир неча минг гектар кам ерга, яъни 215 минг гектарга чегирани экилади.

ОЗУҚА МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

● **ҚАШҚАДАРЁДАГИ «Мирзачўл» совхозининг** деҳқонлари беда ва хашаки лавлагини парваришлагани киришдилар.

Ҳозир хўжалиқда пахта майдонлари яна қисқартирилмоқда, бу эса озуқа экиладиган ерларни деярли икки баравар кўпайтиришга имкон берди.

Жўхори экиб бўлинди. Бу қимматли озуқа экинни биринчи марта 420 гектар майдонга экилади. Уларнинг ярида дон учун мақкажўхори етиштирилади.

ЎзТАГ.



ИҚТИСОДИЁТ УФҚЛАРИ

● Биз янги-янги ҳал қилиш керак деган гапларни тез-тез эшитамиз. Ленин янги-янги ҳал қилиш учун масалага янги-янги ёндашиш лозимлигини баъзан унутиб қўламиз. 6 апрель кунини Узбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган учрашу мана шу принципга тўла мос эканлиги аниқ бўлган бўлди. Республика ҳақ қўналигини ривожлантиришга қўлагиш лозим бўлган иқтисодий восталарни танқидлаштириш йўллари кўриб чиқиш учун олимларни, иқтисодий ётақчи тармоқларнинг раҳбарларини, планлаштириш ва молия мақоралари ҳамда бир қанча йирк корхоналар раҳбарларини, жамоат ташкилотлари, матбуот вакиллари тақлиф қилишди.

Давр нафаси яна бир жидатда акс этди: мунозарани республика Президенти оқди. И. А. Наримовнинг нутқида мамлакат ва республиканинг иқтисодий аҳволи, давлатдаги вазифаларнинг давсифи, ечимларнинг асосли равишда ҳисоблаб чиқилган турли вариантлари ҳақида «мулоҳаза учун маълумотлар» бор эди.

Шу тариқа коллектив ижодкорлиги деб аталган жараён бошлаб берилади, аммо баъзан бир-бирига ўхшаманг нутқани назарлар ҳам айтилади. Шундай бўлгани ҳам яхши! Барча нутқани назарлар фақат бир меъзо — амалийлиги, ишга ёрдам беришга самийинг истак билан ўлчанди. Ҳар бир мулоҳаза аър эътибор билан тингланди, унинг турли вариантлари кўриб чиқилди, аниқ-равшан имкониятлар ва вазифаларга ҳолисона таққослаб кўрилди.

Аммо учрашу қатнашчилари бир қанча асосий принципларга қўшилдилар: қайта кўриш ҳамда у таққос этган сезиб ва иқтисодий ислохотлар ижтимоий ва иқтисодий тарқатиш учун кенг уфқлар очиб беради.

Хўжалик ҳисобининг турли моделларини жорий этиш, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пай билан таъминлаш, иккара ва пулдат муносабатлари каби янги иқтисодий механизмлар реал самара беришмоқда. Деҳқонлари, Узбекистондаги барча қишлоқ аҳолисини ер участкаси билан таъминлаш тўғрисидаги қарор чинакам ҳаётбахш қарор бўлди, у жамоат хўжалиқига ва шахсий хўжалиқига меҳ-

Илмий муассасалар билан ишлаб чиқариш фаолиятини ўртасидаги узилтиш ҳали тўла бартараф қилинганми йўқ. Бунинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётини, халқ фаровонлигини оширишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Аҳолининг кўпайиб бораётган даромадлари моллар ва маҳсулотлар билан етар-

Хом ашёни тўла-тўқис қайта ишлашни, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни қўзда тутадиган илмий-ишлаб чиқариш комплексларини, биринчи навбатда ишчи ва инженер меҳнатини, олимларни, конструкторларни, дизайннинг ижодини ўзда мажуссамлаштиришни, фан билан мустаҳкам боғлиқ бўлган

Тақлиф этилган нарсаларнинг қўбини ҳисоблаб чиқиш, синаб кўриш, баҳолаш лозим. Аммо энг муҳими ҳали олдинда — урғулашга қатнашган нуфусли олимлар ҳам уни «ўйга берилган топириш» сифатида кўриб олдидлар. Ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўриш, ҳар бир тармоқни, ҳар бир йўналишни, бир қанча ҳолларда эса айрим корхона-хўжалик ривожлантиришнинг энг яхши стратегияси ва тактикасини танлаб олиш керак.

Бозор методларини ўзлаштириш иқтисодий фаолиятини кучайтириш юборишчи, унинг самардорлигини оширишнинг жаҳон практикаси тасдиқламоқда. Бозор шароитида ишлашга тайёрликка совет органларининг, ишлаб чиқариш, илмий ва жамоат ташкилотларининг фаолияти бўйсундирилиши лозим.

Бу кечиктириб бўлмайдиган иш. Улуклиқ, комплекс ижодий гуруҳлар тузилиши учрашуving аниқ якуларидан бири бўлди. Бу гуруҳларда олимлар, ишлаб чиқариш ходимлари, планлаштириш ва молия илоралари ходимлари бозор экономикасига қўшилишга доир аниқ-равшан вазифаларни ҳал этиш учун бирлашадилар. Халқ хўжалиқининг янги юксалигини уларнинг биргаликдаги меҳнатининг натижаси бўлиши лозим. Ҳар бир оила бундай юксалиш самарасини аниқ сезиши керак.

Кенгашида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсайдов қатнашди.

«Яна бир «одатдан ташқари қарор»: «меҳмонлар» эмас, балки «меҳмонлар» яна бир бор тўланиши тақлиф қилинлар. Ҳар икки томон билан мамнуният билан қабул қилиди. Бундай учрашуларни доимий одатга айлантириш яхши иш бўлур эди.

Е. ЕФИМОВ, ЎзТАГ шарҳловчиси.

ЎЗ КАСБИНИ АРДОҚЛАБ

Калинин номи колхозининг дондор пахтакорлари Рам Чориев ва Исмом Иброҳимовларнинг номи бутун Қашқарияда машҳур ҳисобланади. Уларнинг иккала оғил ҳам чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери пахтакорлик шароитини ардоқлаб келишляпти. Уларнинг ҳар бири бошқалиқ қилётган коллективлар йилдан-йилга оқ олтинга кўпайиб бораётган бўлиб келмоқда. Пахта усталарининг қатъий қарори ана шундай.

Уларнинг иккитрида 70 гектардан ер бўлиб, бундаги юмушларнинг кўпчилиги текинча воситасида бажаришмоқда. Бу йил шу майдонларнинг 10—12 гектарга сабзавот ва полза экинлари экилади. Ленин коллектив этказиб берадиган оқ олтин ҳамма сира каймайди. Пахта усталарининг қатъий қарори ана шундай.

Суратда: бригада бошлиғи Р. Чориев ва И. Иброҳимовлар.

В. МОЛГАЧЕВ суратга олган.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ЗАРУР

натини уйғуни олиб боришга имкон беради. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир ярим миллионга яқин оила «янги ер ислохотининг» боракали кучини сезди — ўн минглаб гектар ерга деҳқонлар ўзлари учун биринчи марта экин экишмоқда. Бу эса оилада кўт-баракани кўпайтиришнинг, қишлоқ турмуш тарзидаги энг яхши анъаналарни мустаҳкамлашнинг гаровидир.

Хўжалик юртининг қилма-қил янги шакллари ва усулларидан мунособ фойдалана олиш эса масаланинг иккинчи томони. Бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Бир қанча ҳолларда ишнинг ана шу шакллари ва усуллари ўз берган вазиятини аниқ ҳисобга олмай, етарли даражада ташкилий, технологик, иқтисодий жиҳатдан таъминланмай жорий этилди. Бунинг устига иқтисодий ислохотнинг аҳамияти тўла тўшуниб етилмади. Уни амалга оширишга бутун касб-кор мақорарини ҳам, ташкилотчилик қобилиятини ҳам, қолб кўриш ҳам сарфлаш лозимлигини англаб етишмади... Акс ҳолда яхши иш ҳам қутилган натижани берамайди.

ли даражада таъминланмаганлиги ана шу нуқсонларнинг сезиларли оқибатларидан биридир.

Хўжалик юртининг янги шароитида буларнинг ҳаммаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Республика иқтисодий мустаҳкамлашнинг реал йўли — умумийтақво хўжалик комплексиди унинг ўрнини тўри белгилашда, ҳар бир тармоқни, ҳар бир регионни ривожлантиришнинг аниқ мабуул стратегиясини танлаб олишда эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Гап Ўзбекистоннинг ресурсларидан, унинг меҳнат ва илмий потенциалидан мақсадда мувофиқ равишда, оқилона фойдаланиш тўғрисида бормоқда. Бундай имкониятлар эса беҳисоб. Учрашу қатнашчилари мавжуд корхоналарни ривожлантириш ва янги-янги турини қуриш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини истиқболли йўналишларга жамлаш, ўзaro манфаатдорлик асосида қардош республикалар билан товар айирбош қилишни жадаллаштиришга доир бир қанча конкрет тақлифларни айтдилар.

комплексларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бир вақтда учрашу қатнашчилари республикани бир қанча ҳолларда хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар этказиб бериш ҳолатига солиб қўйган кечяги кун «анъаналар»дан ҳақил равишда нолиб гапирдилар. Бунинг сабабларини албатта ташқарида излаш шарт эмас — пахта ва бошқа хом ашёни комплекс қайта ишлашга ўтишга тўқинлик қилмаётган, принципал янги технологияларни жорий этишга ҳалақит бераётган одат бўлиб қолган тасаввурларни, мутаассибликни бартараф этиш керак.

Кўпгина камчиликлар мамлакатда ва чет элда вуқудга келадиган иқтисодий таълабларни яхши ўрганмаслик билан боғлиқ. Ҳолбуки, бозор муносабатларидан моҳирлик билан фойдаланишда, хориж билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда, хусусан тез самара берадиган қўшма корхоналар барпо этишда катта резервлар мавжуд. Шунга қарамай, ҳамкорликнинг бундай шакли бизда жуда суст ривожланмоқда.

Область партия комитетларининг пленумлари

шев доклад қилди. Пленум навбатдаги область партия конференциясининг қабул қилинган муқаддими ўзгаришлари ва унинг кун тартибининг тасдиқлади. Район, шаҳар, область партия конференцияларида, Узбекистон Компартияси XXII съезиди, КПСС XXVIII съезиди

га делегатлар сайлаш ва раҳбар партия органларини тузиш тартиби тасдиқланди.

УРҒАНЧ, 7 апрель. (ЎзТАГ). Вугун Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди, унда КПСС Марказий Ко-

митети 1990 йил февраль ва март Пленумларининг, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг йуллари ва КПСС XXVIII съезиди, Узбекистон Компартияси XXII съезиди таъйиғарлик кўриш юзасидан область партия ташкилотининг вазифа-

Чернобыль атом электр станциясидаги авариядан кейин радиактив булганган зонада яшаётган болаларнинг оналари СССР иттифоқдош республикаларининг меҳнат коллективларига, касбда сово ташкилотларига мувожаат қилиб, ёз даврида болорлар ва ўсмирларнинг дам олишини ва саломатликларини тиклашни таъминлашда ёрдам беришни илтимос қилдилар.

1. ВЦСПСдан Белорусия, Украина, РСФСРнинг Брянск областидаги жаорланган районларда яшовчи болалар мамлакатнинг тиббий ва соғломлаштириш муассасаларида дам олишлари ва даволашларини таъминлаш ишга бошчилик қилишни ва бу ишни ташкил этишни сўрайман.

Иттифоқ министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларининг Министр-

лар Советларига ВЦСПСнинг бююртмаларига мувофиқ 1990 йил 1 майгача бўлган муддатда санаторийлар ва дам олиш уйлари, пансионатлар ва пионер лагерларига, улар қайси идората қарашли эканлигини қатъий назар, жаорланган районлардаги дам олишга мувожаат болаларнинг ҳаммаси дам олишини таъминлаш учун етарли йўлларни ажратилиш топираман.

2. СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги даволаш-соғломлаштириш бирлашмасининг «Ай-даниль» санаторийсини жаорланган районлардаги болаларни (зарур бўлса ота-оналари билан биргаликда) даволаш ва

саломатлигини тиклаш учун шу мақсадни кўзлаб СССР Соғлиғини сақлаш министрлигига топширсин.

Санаторий, унинг ёрдамчи хўжаликлари ва хизматлари мавжуд штатлар, дам олувчиларнинг ва хизмат кўрсатувчиларнинг моддий таъминоти шартлари сақлаб қолганин ҳолда шу йил 1 майгача муддатда топширсин.

«Ай-даниль» санаторийсини аниқ мақсад йўлида фойдаланиш, унда болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш учун шахсий жаобгарлик СССР соғлиғини сақлаш министрлигининг биринчи ўринбосари Уртоқ И. Н. Денисовга юклатилсин.

Совет Социалистик Иттифоқининг Президенти Москва, Кремль.

Республикалар Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ. 1990 йил 7 апрель.

Томорқа ҳувиллаб ётмасин...

Баъзан киши кўз ўнгиди шундай манзаралар намоён бўладики, аввал ҳайрон қоласиз, кейин чуқурроқ ўйлаб кўриб, ҳа, бу табиий ҳол-ку, дейсиз...

Февраль ойининг ўрталари эди. «Тошкент—Пискент» автобусида йўлга отланганимизда ҳам ана шунга ўхшаш ҳодисанинг тўғриси бўлди. Айниқса, Кўйлиқ Бозори ёнидаги тўхташ жойидаги манзара бизни ҳайрон қолдирди. Автобустан бирин-кетин сўма, тўрхал, сут идиш, ҳатто йоп кўтарган одамлар кириб кела бошлади. Ҳойлашиб ўтиргач бир-бирларидан бозордаги нарх-навои сурштира кетишди.

Этани, олмани неча пуддан олдингиз? — сўради бир аёл ёнидаги ўриндиқдаги ҳамроҳидан. Килонини 7 сўмдан олдим. — деб жавоб берди у. — Нок, узум, ошқўларчи? — Нок — 13 сўм, узум — 10... — Ҳ-ҳ-ҳ қиммат-ку? Чақиб олади-я?

— Нима ҳам қилардик. Зарур бўлгандан сўнг оламизда. Ҳовлида мевадони дархатлар кам. Бунинг устига ўтган йили кўламда юз берган қаттиқ совуқ натижасида ҳосилга пўтур етди...

Сўхбат узок давом этди. Маълум бўлдики, сўхбатдошлар фақат меванигина эмас, сабзавот, картошка, сўт-қатини ҳам бозордан олишаркан. Бейхитёр ўйлаб қолсан, наҳотки қишлоқ аҳли ҳам зарур маҳсулотларни шаҳардан ташиб кетишса? Шундай ўйлар билан район марказига бора-боргунча теварак-атрофини кўзатиб кетдик. Бутун йўл бўйи бийдек дала — пахта майдони. Мевазор кўримайди.

Жилла қуриса, йўл четларига мевади дархатлар экила бўлмасми? Атроф хонадонларию, ҳовлиларнинг енларига-чи? Ана шундай хаёллар билан Пискент районидан Сverdлов номи колхоз идорасига кириб келдик.

Тўғри, колхоз асосан пахтачиликка ахтисосланган бўлиб, бу борада бирмунча ютуқларга эришилган. Ўтган йили ҳўжалик бўйича ҳар гектар майдондан 31 центнердан ҳосил олинди, давлатга пландаги 5282 тонна ўрнига 5781 тонна пахта етказиб берилди.

— Кейинги вақтларда асосан колхозчиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун ҳаракат қилинмиш, — дейди ҳўжалик бош агрономи Мелис Бадридинов. — Айниқса, оила — пудрати

ди. Ҳўш, нега шундай? Сабоби яна ўша: имконият йўқ, озуқа етишмайди. Ййлов, ем-хашак топиш мушкул. Шелуха ва кунжага хонадонларгагина эмас, колхозга ҳам етиб келмаётир.

— Эндиликда бундай камчиликларга барҳам бериш керак, — дейди М. Бадридинов. — Ҳозир ҳар бир бригадасида 1—2 гектардан майдон сабзавот ва полиз маҳсулотлари етишти-

Ҳануз Ёдимда: чамаси беш-олти ёшларда эдим. Ҳовлимиздаги экилган кўчатларни биз ака-укалар ўзимизга «бўлиб олиб» сув қуйиб, парвариш қилаётганимизни кўрган дадам шундай дегандилар: «Ана шу тут дарахти сенки, Адашма! Унга қанча сув қуйиб, яхши қарасанг, шунча яхши ўсади. Библи қўй: у қанча ўсса, сен ҳам шунча ўсасан...».

Болалигим ўтган боғлар, қайдасиз?

Энди ёшим ўттиздан ошиб агрономлик касобада тажрибам ошган сайн даламнинг ўша насихатларида беада маъно борлигини ҳис этляман. Дарвоқе, ўша «ме-

тистика органларининг ишига қўлам таъ бермайман. Бизда нима учун кўчат экиш бўйича план бор-у, уни кўқариб, амал олиб кетиши бўйича маълум бир кўрсаткич ёки план талаб қилинмайди? Аслида экилган эмас, кўқаргани ҳисоб-ку! Кўчат экишдаги кўзбўячилик, хийла-найранг, «ким ўзар» пойғасини кўриб ёқа ушлайсиз? Кўчат олиб келинган, ҳўжаликлардаги мутахассислар уни кўқариш кўнамаслигидан қатъи назар қаерга бўлса ҳам, энби қўйиш пайига тушадилар. Айниқса, манзарали дарахт ва тут кўчатлари экишдаги ваҳшийлик ва бағри тош-лини кўриб: «дод» деб юборгинг келадди.

Шахсан мен яна бир нарсани ҳеч тушунолмайман: нима учун биз кўчат экиш ёки уни парвариш қилишда маъсулиятсизлик, боқи-беғамлик қилиб, давлатнинг минг-минглаб сўм маблағини кўнка соғураётганларнинг танобини тортиб, келтирилган зарарни ўлардан ўндириб олишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ваҳолонки биз фарзандларни ҳисобланган она-табиат ва унинг бойликларига нисбатан қилган ғвуалик, бағридошлик, маъсулиятсизлик қайси безорилик ёки жиноятдан кам?

Демоқчиманки, яшил бойликларимизни, боғ-роғларимизни бағри тош, инсофсиз шахслардан ҳимоя қилиш, шу соҳа мутахассисларининг шахсий маъсулиятини, ҳўқуқ ва бурчларини ошириш бўйича тегишли қонун қабул қилинса айни муддао бўларди.

Мутахассис сифатида Ўзбекистон ССР Ўрмон ҳўжалиги министрлигини иттифоқ — республика бир лашмасига айлантирилганлигини мақбул ҳол, деб ҳисобламайман. Негаки, бу нарсани ночорлашиб бораётган Ўрмон ҳўжалигимизнинг республикада тутган ўрни, маънағи эътиборсизликни янада оширади. Ҳар ҳолда министрликни бир лашмага айлантириш, шу соҳани ривожлантириш ишига ҳечам хизмат қилмаётганлигини тан олмақ лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган катнашчиларнинг республикада бўлиб ўтган катнашчиларнинг ташаббуси билан одатдагидек март-апрель ойларида республика бўйича кўнамзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойликни ўтказишга қарор қилинди. Демак, анъана давом этади.

Шуни айтиш керакки, бу йили маъсулиятсизлик фақат пайд беради. Биз бу икки ойликда кўчат экишигагина эмас, балки ана шу яшил бойликларимизни ҳамisha севишни ҳам ўрганилик.

● МЕВА ҚИДИРИБ ШАҲАРГА КЕЛАЕТГАН ДЕҲҚОНЛАР.
● ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КўКАРГАНИ ҲИСОБ.
● АВЛОДЛАРИМИЗГА БОҒ-РОҒЛАР МЕРОС ҚОЛСИН.

Риш учун ажратилмоқда. Колхозчиларга томорқа участкалари бериш давом этапти. Давлатга дон топиришни рўхсатдик. Чунки йллари йилга минг тонна дон сотардик-у, сифатсиз аралаш озуқа олардик. Бундан ҳўжаликка натта иқтисодий зарар етди. Энди колхоз фермасидан ортиб қолган озуқани аҳолига сотиш ниятидамиз.

Белиланган янги тадбирлар диққатга сазовор, албатта. Лекин ишбилармон деҳқон ҳар қандай шартда ҳам мавжуд томорқа ерларидан омиликорлик билан фойдаланаётганини сир эмаску? Яна ўша бригадир Тоштемур ақони олайлик: у ҳовлисига мўл-кўл мева, сабзавот етиштирипти. Мўъжағина иссиқхонада помидор, бодринг нарқ ишшан. Спирт-бузоғи, 5—6 қўйи бор. Демак, ҳаракат қилса бўларкан... Ҳафсаласи керак, холос. Деҳқон ишбилармон бўлса, томорқаси ҳувиллаб ётмайди. Ҳама гап — истак ва тадбиркорликда.

Ш. МИРХАБИВОВ,
«Совет Ўзбекистони» маҳсуе муҳбири.

керак бўлса, сўнгги йиллар маълумотларига қараганда бу кўрсаткич республика бўйича 50—60 килограммдан ошмапти.

Сўнгги уч йил ичида (1985—1988 йиллар) боғлар 4 минг 300 гектарга, узумзорларимиз эса 4 минг 400 гектарга қисқариб кетди. Кўчати тўлиқ бўлмаган боғ ва узумзорларимизнинг умумий майдони 30 минг гектардан ошаркан. Камҳосилли боғ-роғларимиз тўғрисида гапирилмаса ҳам бўлади... Колхоз ва совхоз раҳбарларида, мутахассисларида — қолаверса барчамизда она табиатга, унинг бебаҳо бойлиғи — яшил дов-дарахтларга, боғ-роғларга меҳр-оқибат сўниб бормоқда...

Илгарилари яшил дўстларимизга эътиқодимиз, меҳр-муҳаббатимиз, унинг тақдирига бўлган маъсулият ҳиссимиз беқиёс эди. Энди эса ўша маъсулиятни, ўша меҳр-муҳаббатни еру-қўндан ҳам қидириб тополмайсиз! Яқин-яқингача барчамиз чуқур ўрганиб, унга сўзаси амал қилиб келган Мишурин таълимоти, Ризамат ота мактаби, шу соҳага оид кўпдан-кўп йўл-йўриқлар ва қўнамаларнинг бугунги кунга келиб қадри ҳам, қиймати ҳам йўқолиб бораётганлигини қандай баҳолардиз?

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган мевали ва манзарали ниҳоллар экиш, тоқзорлар ва ўрмонлар барио этиш икки ойликга бағриланган кенаш қатнашчиларининг республикада аҳолисига мурожаатномасида қайд этилганидек, ҳар йили жумҳурият бўйича 100 миллиондан ортиқ кўчатлари экилади. Давлатнинг минг-минглаб сўм маблағи эвазига етиштирилиб экилган кўчатларнинг қарийб 50 фоизи, айрим-айрим боғ ва районларда 60—70 фоизга фарқли маъсулиятсиз ва қаровсизлик оқибатида қўриб қолганлигини ким билмайди, дейсиз.

Мен баъзан план ва ситаратган бир неча гектар тоқзор, олмазор, шафтоли, ўрик, нок, олҳўри майдонлари ҳам йўқ қилинди.

Бедодликнинг чегараси ҳам бордир, ахир? Хайрият бор экан. Бугун ана шундай вазият яратилди: имкон ва имтиёз тўғрисида. Шундай даврда бутун куч-қувватимизни боғу бўстонга айлантиришга, унинг ҳар бир қарий ерини чаманзорга айлантиришга отланайлик. Хатти-ҳаракатимизда сохласин, носамийлик бўлма-син. Токи фарзандларимизга биздан гуллаётган ўлка мерос бўлиб қолсин.

Т. ОСТАНАҚУЛОВ,
Сирдарё области.

ДАСТУРХОН КўРКИ

Урганч районидида Чапаяв номи колхозда бу йил янги боғлар 40 гектарга кенгайдди. Унга 200 минг тупдан энди турли шил мевали дарахт кўчатлари ўтказиш ойлғи муваффақиятлик давом этмоқда.

Колхозда илғари тўрт жойда катта боғ мавжуд эди. Ҳозир уларнинг сони 6 тадан ошди.

Исми-жисмига монанд бўлган Юқорибоғ қишлоғининг қиёфаси йилдан-йилга гўзаллашмоқда. Шу йилнинг бошида кичи жойда янги боғ ташкил этилиши бунинг ёркини далиллариди.

— Ўтган йили мева ва узум сотиш планларини ошириб адо этдик. Бу йил эса мева-узум етиштиришни икки бараварга кўпайтирамиз, — деди колхоз раиси О. Чўпнов.

Ҳақиқийликларимиз дастурхонини мева-чевага сероб қилишда астойдил тер тўкаётган ижарачи боғбонлардан Малика Норматова, Нормат Қўлмова, Ҳайитул Ҳолмуродова, Қўзбой Рўзиматовларнинг меҳнатлари тақдирини айтдик.

О. ЭҒАМОВА.

Фарзандларимизга нима деймиз?

Бундан йигирма йил бурун Ховосга—Пастки Сармич, Юқори Сармич, Жўлангар, Искандар каби қишлоқларга йўлингиз тушса, тоқзорлар, боғу ўрмонлар ичида қолиб кетардингиз. Ўша даврда туринган чақалоқ ўсди, унди, бугун барваста янгит бўлди. Боғлар ва тоқзорлар эса баъзан сувсизликдан, баъзан қаровсизликдан қўриб-қақшаб қолди.

Эсимда, 1967 йилда Н. Ҳожиёв бошчилигида Пастки Сармич қишлоғида 30 гектар тоқзор барпо этилди. Бир йил ўтгач, Юқори Сармич қишлоғидаги 17 гектар майдонга ток қаламчалари

эса консерва заводларига жўнатилади.

Шунингдек, Н. Ҳожиёв даврида экилган 12 минг туплик ёнғоқзор, 4,5 гектарли анорозор қўриб кетди. 1985 йилда сув йўқ, баҳонаси билан совхоздаги 11 гектар майдондаги боғ юқори ташкилотлар билан келиш-келмаши ҳолда тағ-томири билан текислаб юборилди. Шу орада ота-боболаримиз

содий жиҳатдан асослигини тасдиқлашларига тўғри келадди.

Внутур СССР Фанлар академиясининг бўлимларидаги конкурсга тақдим этилган 215 та мавзудан атиги 119 таси ўтди. Ҳолбуки республика академиясида тақдиротларнинг мавзулари илғари янгилаш, истиқболли янги соҳаларни излаш имкониятлари бор.

Илгилги катнашчилар республикадаги илм-фан муассасаларининг фаолияти ҳали фан-техника тараққиётининг қадрият ҳаракатлангирувчи кучи бўлиб қолмаганлигини таъкидлайдилар. Илм-фани бошқаришни илми усуллари тўла куч билан ишлай бошлаш, фан-техника тараққиётининг даражаси ва суръатлари амалий равишда олиб бориши учун фан билан ишлаб чиқариш ўртасида тасвирчан иқтисодий востанини ишлаб чиқиш зарур. Бунда «тадиқот — ишлаб чиқариш — истеъмол» занкирини ҳалқларини ўртасида ташқил-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш, улардан ҳар бирининг моддий манфаатдорлиги системасини тақомиллаштириш зарур.

Илмий тадиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун юксак самарали техник яратиш ва жорий қилиш жараёнини тўла-тўлиқ бошқаришда академия фаннинг амалий иштирокини таъминлаш муҳимдир. Ўнбарин, илмий муассасаларнинг моддий-техникавий ва экспериментал базасини мустаҳкамлаш зарур. Бу соҳада ҳозиргача анчагина иш қилинди. Масалан, Тошкент областида илмий приборозилик тажриба заводида қуриш масаласи ҳал этилди. Шу завоуд ишта туширилган республика учунгина эмас, бутун Ўрта Осиё регионини учун ҳам приборлар ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Илгилгида илмий коллективларнинг куч-гайратларини республика иқтисодий-иқтисодий тараққиётининг пахта комплекси, экология, соғлиқни сақлаш, ресурсларни тежашнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга сафарбар қилиш зарурлиги таъкидланди.

Замон иқтисодий олимларнинг, фан-асуфлар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, тилшунослар ва адабиётшуносларнинг тадиқотчилик фаолияти самарадорлигини оширишни қатъий талаб қилаётганлигини нотинчлар таъкидлаб ўтишди. Миллатлараро муносабатлар муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқиш зарур.

Эш олимларни таъбирлаш ва яхшилаш илм-фанини жадал ривожлантиришига муҳим омил бўлиб қолгани керак, бунинг учун мамлакатнинг ва дунёнинг йирик илмий марказларида таълим олишининг кенг имкониятларидан фойдаланиш лозим, дейилди йилгиликда.

(ЎзТАҒ).

«ГОРБАЧЕВ—СССРНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ» МАВЗУДА СИМПОЗИУМ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). «М. С. Горбачев — СССРнинг биринчи Президенти. Унинг асосий вазифалари ва муаммолари» — Хиндистон пойтахтида ана шундай мавзуда ваколатли симпозиум бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, парламент аъзолари, олимлар, дипломатлар иштирок этишди.

Бугун — мамлакат Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кун



Жанговор навбатчиликда

Совет ҳалқи ва унинг Қуролли Кучлари ҳар йили апрель ойида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кунини нишонлайдилар. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари Қуролли Кучларимизнинг турларидан бири бўлиб, улар тинчлик даврида ҳам жанговар вазифаларни ҳал этадилар. Ватаннинг жанговар буйруқларини бажариш учун ҳамisha таёйргарликда турадилар.

СССРнинг Давлат чегараси тўғрисидаги Қонунга биноан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари зиммасига мамлакат ҳаво бўшлигини муҳофаза этишдан иборат маъсулият юклатган. Маълумки, бизнинг ҳаво кенгликлари чегараси 60 минг километр масофага чўзилган.

Қуролли Кучларимизнинг бу тури тарихи Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари бир неча авлоди томонидан ёзилган. Йирик ҳарбий бошқарувида Н. Н. Воронов, М. С. Громов, Л. А. Говорун, Д. А. Журавлов ва бошқалар Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Маълумки, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг қаҳрамони соҳнаси 1917 йил октябрдан бошланган. Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг афсонавий қаҳрамонлари ўз мардликларини билан бу қўшинларини шон-шухратга бурқидилар. Биргина мисол. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари 1943 та самолётини уриб тушдирилди. Мингдан энди танқини, салкам 1500 та тўпи ва минометини яқсон қилдилар. Шу боис улардан 50 мингдан энди жангчи орден ва медаллар билан мукофотланди. 92 киши эса Совет Ит-

тифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг шонли бир нечта зенит батареиси ва авиация отрядидан бошланган эди. Бугунги кунда улар СССР Қуролли Кучларининг энг мураккаб ва техник жиҳатдан мукамал жиҳозланган тури бўлиб қолди. Тovuшдан тез учар кирувчи-ушлаб олувчи самолётлар, ҳеч қандай хатога йўл қўймайдиган зенит-ракеталар комплекслари, радиолокация станциялари йилнинг ҳар қандай фаслида кеча-ю кундуз жанговар навбатчиликни адо этмоқда. Яқинда қуроли пайдо бўлиши, ракеталар техникаси ривож қилган ракеталарини элтувчи самолётлар вужудга келиши тўғрисида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг аҳамияти кескин ошди. Совет давлатининг 72 йили мобайнида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари мамлакатимиз омон кенгликларини бузишга уриганларга қарши қақшатиқ зарбалар берган. Шу сабабли биз уларнинг «Ишончилигига, лиқлар» Н. Н. Воронов, М. С. Громов, Л. А. Говорун, Д. А. Журавлов ва бошқалар Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Маълумки, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг қаҳрамони соҳнаси 1917 йил октябрдан бошланган. Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг афсонавий қаҳрамонлари ўз мардликларини билан бу қўшинларини шон-шухратга бурқидилар. Биргина мисол. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари 1943 та самолётини уриб тушдирилди. Мингдан энди танқини, салкам 1500 та тўпи ва минометини яқсон қилдилар. Шу боис улардан 50 мингдан энди жангчи орден ва медаллар билан мукофотланди. 92 киши эса Совет Ит-

тифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

АКАДЕМИЯ ФАНИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Илғари хабар қилингандек, 6 апрель куну Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик умумий йилгилик бўлди. Шу куннинг талабларидан келиб чиқадиган долзарб муаммоларини ҳал этишда, иқтисодий ва илмий турмушнинг қайта қуришда республика илмий коллективларининг, олимларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Саложидиновнинг докладыда, нутқларида ҳозир республика олимлари олдига кенг миқёсда, мураккаб вазифалар турғилини таъкидлаб ўтилди. Бу вазифалар илм-фанининг қайта қуриш жараёнининг, Ўзбекистонда иқтисодий муносабатларда, илмий ва маънавий турмушда рўй берётган ҳамма ўзгаришларнинг узвий таркибий қисми бўлиб қолишини талаб қилади.

Ўтган йил илм-фанини ташкил этишининг, илмий муассасаларини бошқаришда демократик негизларни чуқурлаштиришининг, пиронлар илмий илмийлар учун олимлар маъсулиятини оширишининг, янада илмий-исловий шакллари излаш босқичи бўлиб қолди. Бюджет ҳисобидан ўтказилган 537 та мавзу, шу жум-

нинг амалий аҳамиятини оширишга катта эътибор берилди. Йилга қарийб 12 миллион сўм иқтисодий самара берадиган 108 та илмий-амалий натижалари халқ ҳўжалигига жорий қилинди.

Илм-фан билан ишлаб чиқаришни бириктиришнинг илгор шакллари ривожлантирилди. Илмий бўлимлар негизда учта тармоқлараро илмий-ишлаб чиқариш маркази, бир талаф тармоқ лабораториялари ишлаб турди, муваққат илмий-ишлаб чиқариш коллективлари тузилди.

Шу билан бирга, йилгилик қатнашчилари илмий ишланмаларнинг самарадорлиги бугунги талабларга жавоб берадиган, деб ҳисобландилар. Анъанавий илмий йўналишлардан йилги, истиқболли мавзуларда тадиқотларни ривожлантириш учун ресурсларни бўшатиш илми сўст бормоқда. Бунинг устига XIII беш йиллик режаларига илмий тадиқот муассасалари берган тадиқотлар таҳлил этиб қўрилганда, илмий тадиқотлар структурасини энг устуни соҳаларини ривожлантириш сари тузулроқ ўзгартириш рўй бермаганлиги маълум бўлди.

Йилгилик республика Фанлар академиясида илм-фани бошқаришнинг йилги, янада самарали усуллари, уни ташкил этишнинг илгор шакллари зўр бериб йазилани кўчатдириш, бу ишда демократиялашнинг кенгайтириши, илмий тадиқот муассасаларига раҳбарликнинг ҳалдан ташқари, бир талаф тармоқ лабораториялари ишлаб турди, муваққат илмий-ишлаб чиқариш коллективлари тузилди.

К УЛИМДА «Жанг йулларида» деган китоб, рус тилида, СССР Мудофаа министрининг ҳарбий наشريети 1971 йилда чоп этган. Бу китобни менга 1976 йилда 69-Севск ўқчи дивизиясининг собиқ командири Совет Иттифоқи Қахрамони, генерал-лейтенант Иван Александрович Куваков ва шу дивизиянинг собиқ жангчиси, Совет Иттифоқи Қахрамони, ҳамшахримиз Степан Петрович Ильин тақдим этган.

Генерал китобни менга берар экан, «Бизнинг дивизияда Тошкентда тузилган» йигитларимиз Урта Осие республикаларининг марду майдолари эди. Бу дивизиядан 50 нафар Совет Иттифоқи Қахрамони чиққанлиги бунинг далили» деди.

Китобнинг ҳар саҳифасини жасорат соломаси дешиш мумкин. 1941 йил кузид Тошкентда 461-ўқчи дивизия тузилди. Кейин бу дивизияга 69-номи берилди. Дивизия 1942 йилда Тула шаҳри яқинидан Германиянинг Шимолый Росток шаҳригача бўлган оғир жанг йулларида мардонавор ўтди. Китобнинг бошланғич дивизия 1943 йилнинг 10 июлида Курскнинг шимолида бўлган қаттиқ жангларда душманнинг ҳалқани ериб ўтиш учун жонжаҳди билан бошланган ҳужумлари барбод этилганда жангчилардан И. Зулин, М. Солиқов жасорат кўрсатганликлари ва улар жангвор орденлар билан мукофотланганликлари айтади.

Лейкин биз бу икки Курск жанги қахрамонларидан фақатгина эълон қилганимиз. Фақат Солиқовнинг моҳир мерганлиги, у оддий жангчи эканлиги айтилган, холос. Мерган Зулинга 65-армия қўмондони генерал П. И. Батов жанг майдонида «Моҳир мерганга ўзбек халқидан. 1943 йил» деган ёзув битилган тамаки қутисини тақдим этди. Бу тамаки қутиси дивизионнинг қайси жойидан ва ким томонидан юборилганлиги ҳам номаълум. Балки бу қутини юборган уста ҳали ҳам ҳаётдир.

Совет Иттифоқи Қахрамони унвонига сазовор бўлган жангчиларнинг кўпчилиги Урта Осие республикалари халқларининг фарзандлари. Масалан, Абдулай Алимбетов, Берген Исақов, Тоғамбой Наумбаев, Жўдас Сулеймонов, Кенелбай Тасқуловлар — қозоқ, Домулло Азизов — тоjik, Жураҳон Усмонов эса ўзбек. Қозоқ йигити Тасқу-



**Бу юк
Ғалабининг
45 йиллиги
олдидан**

**САРКАРДАЛАР
ХОТИРАСИДА**

лов Бўстонлиқда тутилган. Жураҳон эса ховослик, у жангга оғир ярадор бўлиб, юртига қайтгандан кейин вафот этган.

Жураҳон Усмоновнинг жасорати она-Ватанга фидойиликнинг мислсиз намунаси эди. У 1945 йил кузид ўзининг кичик ўғчи бўлибмас билан Беларуссиянинг Сож дарёсини кечиб ўтди. Фашистлар дарёни кечиб ўтган бошқа бўлима-ларга талафот келтириб, плацдарми қайтариб олиш учун, у ери ушлаб турган Жураҳон Усмонов бўлибмаси яқсон этишга ҳаракат қилади, лекин бир батальонга ақин душманин Жураҳон бўлибмаси йигитлари қириб ташлайди. Бўлимаининг командири яраланиб сафдан чиқди. Бир неча жангчилар ҳам яраланиб оқоп ичда ёрдам кутиб ётдилар. Рота комсомол ташкилотининг секретари старший сержант Жураҳон Усмонов бўлибмаси командирлигини ўз зиммасига олди.

Омон қолган ўн бир киши плацдарми бир неча кун ушлаб туради. Ҳақиқатан ҳам яраланиб ётганларнинг ҳоли тугайди. Бир дона граната қолади. Бир қўли яраланган Жураҳон соғ қўли енгига ўша гранатани яшириб, ярадор қўлини тепага қўтариб оқопдан «Рус таслим бўл!» деб бақираётган гитлерчилар томонга юра бошлади. Фашистлар уни асир-қилиш учун келипти, деб ўйлашади. Жураҳон, оқопда уймалашиб, уни кутиб турган боқинчилар устига гранатани иритиб, уларни гумдон қилади ва ўз шериклари ёнига асон-омон қайтиб келади.

Б У ВОКЕАДАН кўп вақт ўтмай бизнинг қисмларимиз дарёни кечиб ўтди. Усмоновнинг бўлибмасига ёрдамга келишди. Батальон командири Жураҳонни ва унинг шерикларини душман устидан голиб келганликлари билан табриқлаб, уларнинг олий мукофотга тақдим этиди. Жураҳон командирга газета қирғинини беради. Унда «бизни ҳамма вақт эслайдилар, ҳатто юз йилдан кейин ҳам дўстларимизнинг фарзандлари бизни эслайдилар» деган ёзув бор эди. Командир Жураҳонга раҳмат айтиди ва «бу варақа сизларнинг она-Ватанга бўлган фарзандлик бурчинингизнинг эгу муҳри», деб уни ғалаба йўлларидан тумордай сақлаб олиб юради.

Китобда тўп командири Нишобой Қодиров ўз кўрсаткичлари билан душманнинг икки взводга ақин одамни яқсон этганлиги ва лийда жангчиларимизнинг ҳужуми давом эттиришга имконият яратганликлари ёзилган. Лекин тўпчи Қодиров кимлиги ва қаердалиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

1943 йилнинг 2 октябрида 69-дивизияга ёзувчи Илья Эренбург келади. Генерал Кузовковнинг кузатув жойида жангларда алоҳида намуна кўрсатган жангчилар билан суҳбатлашади. Илья Эренбург ўзининг «Ўзбеклар» очеркида «Ўзбекининг юраги — шернинг юраги» деган жумладан ишлатади. Бу жумла Жураҳон Усмоновга ўхшаган марду-майдон фарзандларимизга бағишланган.

Икки марта Совет Иттифоқи Қахрамони, армия генерали, машҳур 65-армиянинг қўмондони Павел Иванович Батов ўзининг «Жангларда ва уруш йўлларида» деган китобида 1943 йил

кузида Беларуссиянинг Гомель вилоятида, Днепр дарёсидан арқон тортиб, десапччи жангчиларимиз тушган қайчиларни дарёни сузиб ўтиб, душман ерини эгаллашлариға имконият яратган ва жангда жасорат кўрсатган лейтенант Василий Швец ва саёрлар ротасининг парторги С. Шиназаров ҳақида сўз юритади ва бу икки баҳодир бирга тушган суратни илова қилади. Эшназаров тўғрисида ҳам бошқа сўз айтилмаган. Балки бу қахрамон ҳам биз билан ёнма-ён одимлаётгандир.

Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко ўзининг «Наваказ учун жанг» китобида Қора денгиз қирғоғида, Новороссийск шаҳрида 1942 йил 11 сентябрда содир бўлган воқеа ҳақида ҳикоя қилади. Новороссийск шаҳри атрофида шиддатли жанглар давом этди. Шаҳарнинг цемент заводи яқинидан қийлакча кичик лейтенант Турсунбеков командири бўлган ўқчи взводи жангчилари кечаси яширичга келиб, жойлашиб оладилар. Ҳар бир кишига алоҳида кузатув ва ўқ узиш жойи белгиланади. Гитлерчилар қўлини чўсага етдиган ана шу тепаликда совет жангчилари жойлашиб олганликларини сезишиб, уларни у ердан суриб чиқариш учун кучли ҳамла бошлайдилар. Лекин Турсунбеков йигитлари бундан қўрқмади. Ўз жойларини қахрамонларча ҳимоя қилдилар.

Фашист боқинчилари ҳар қанча уринишмасин ўз ниятларига эриша олмадилар. Бир йил давом этган бу жангда душман 189 марта ҳужумга ўтди ва ҳар гал катта талафот кўриб орқага қайтишга мажбур бўлади.

Турсунбеков йигитлари ўз жойларини 1942 йил сентябрдан 1943 йил сентябргача, яъни бир йил мобайнида маҳкам ушлаб турадилар. Бизнинг қисмларимиз Новороссийск душмандан озоқ қилиш учун ялган ҳужумга ўтганлариди, Турсунбеков ҳам ўз кўрсаткичларини ҳужумга кўтарди.

Бир йил узлуксиз жанг қилган кичик бир тўданнинг кейинги тақдирини, унинг шериклар командири Турсунбековнинг кимлиги ҳақида китобда бошқа сўз айтилмаган. Ўша кичик гурӯҳда Егорунин, Азизов, Серома ва бошқа баҳодир йигитлар ҳам бўлишган.

Мардик — мангулик, деишганидек, Турсунбеков каби жасур ўғлонлар жасорати ҳеч қачон сунмайди, уларнинг жасорати миннатдор совет халқлари қалбига мангу яшайди.

НАЗАРМАТ.

Афсуски, кейинги йилларда байналмилал жумҳуриятимизда ҳам халқлар дўстлиги раҳна солишлар содир бўлмади. Визинингча бу аҳволнинг туб моҳияти ва илдилари бир томондан иқтисодий тангликка бориб тасалла, иккинчи томондан бир-гўруҳ экстремистларнинг халқлар дўстлигиға қарши қаратилган ҳаракатларидир.

Биз жумҳуриятимиздаги барча халқларни ва элларни сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли, дўст бўлишга чақирамиз. Дўстлигимизнинг умр боқий бўлиши шарт. Ахшоқда жумҳуриятимизда ривожланиш ўрнига тескари жараён содир бўлади.

Халқимиз тилида шундай матал бор: бир дона чўпни сиқидириш осон, 20 дона чўп бир қилинса, сиқидириб қўрилинг-чи? Халқлар дўстлиги ҳам бамисоли шу. Яна «бирлашган — тўзар» деган нақл ҳам бор.

Халқ депутатлари билан бўлган учрашувда ўртоқ И. А. Каримов барча халқлар ва элларга манзур бўладиган яхши гапларни, фикрларини айтдилар. Ўйлашимизки, бу фикрлар, албатта, амалга оширилади. Бунинг учун халқнинг ташвиши билан яшайдиган, яхши биллимон кадрлар раҳбарлик лавозимларига тайинлангани керак.

Энди 1962 йилда Тошкент политехника институтининг

механика факультетини битирган чўпчи студентларнинг 33 йиллик дўстлиги ҳақида фикр юритмоқчимиз. Биз ўзбек ва рус гуруҳида студентлари, яъни 84 киши институтни етарлича мухтакам билим билан битириб чиққан. Ораимизда ўзбеклар билан бир қаторда руслар, украинлар, арманлар,

Мана институтни битирганимиз ҳам 28 йил бўляпти. Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган дўстлар билан тез-тез учрашиб турамиз. Йиллик учрашувимизга эса Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, Қозғистондан, Москва, Одесса, Уралдан дўстларимиз «етиб келишади.

**Дўстликни
асрайлик**

қозоқлар, татарлар, яҳудийлар, қрим татарлари ва бошқа миллат вакиллари бор. Институтни битирганимиздан сўнг тақсимотга мувофиқ бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалиб кетдик. Биримиз фарс соҳасига, яна биримиз автотранспорт соҳасига, бошқамиз самолётсозликка тақсимландик.

Биринчи учрашувимиз 10 йилдан сўнг 1972 йилда ташкил қилинди ва шундан бери ҳар йили шартли равишда ойда албатта учрашамиз. Бир-биримизнинг холиминдан хабар оламиз, керак бўлса ёрдам қўлини чўзамиз.

Қувончларимиз чексиз бўлади. Учрашувни ҳар йили ҳар жойда ташкил қиламиз. Масалан, бу йил қўша Хивада учрашамиз. Ташкилий қўмита йил давомида ишлайди. Кимникида тўй, кимникида юбилей ёки аза — барчасидан хабардоримиз, имконияти борича иштирок этамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Яъни дўстларнинг хурсандчилигиға ҳам, дардига ҳам шерикимиз.

Афсуски шу давр ичиди бир неча навақирон дўстларимиздан акралдик. Ана шуларни ўйлаб баъзан ҳайрон қоламиз. Нима учун баъзи кимсалар қонсираб, халқлар-

ни бир-бирини ўлдиршиға чақирдилар? Бунис ҳам ҳаёт энгил эмас. Шунинг учун тўполонлар ўрнига бир ёқдан бош чиқариб жумҳуриятимиздаги муаммоларни партиямиз атрофиға жишлашиб ҳал қилайлик. Халқимизнинг турмуш даражасини ва фаровонлигини кўтарайлик. Жумҳурийат партия комитетининг дастурини амалга оширишга барча қўлидан келганча амалий ёрдам бериши лозим. Ҳар бир инсон ўзига юлқатилган вазифани тўлақонли бажариши шарт.

Ўзбек халқи азалдан меҳмондўст бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Халқимиз меҳмон отангдан улғу, деб бекорга айтмайди. Минг йиллар давомида ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари анаука бўлиб яшаганлар ва ўйлашимизки, яшайдилар ҳам. Фақат дўстлик туфайли олдимизга қўйилган улкан мақсадларга эришшимиз мумкин. Акраллани бунри ер, дейишадик-ку!

С. ҚОДИРОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби техника фанлари доктори, профессор. **А. ЕДГОРОВ**, техника фанлари номзоди, доцент. **Л. АҲМЕТОВ**, Ўзбекистон ССР автомобиль транспортни министри, иқтисод фанлари доктори, профессор. **В. МАМЛЕЕВ**, Тошкентдаги В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи.

**ҚИСКА САТРАЛДАР
ҚАРДОШ ЮРТЛАРГА**

● Қашқадар вилояти пахта тозалаш санаяти ишчилари тайёрлаган пахта толасининг бир қисми социалистик мамлакатларга жўнатилмоқда. Шу кунгача Кубага 1505 тонна, Польшага 4 миң тонна, Югославияга 213 тонна пахта толаси юборилди. Бу йил экспорт учун 39 миң тонна тола жўнатиш мўлжалланмоқда.

СИФАТЛИ УРУҒ УЧУН

● Қамаш пахта тозалаш заводига чигитни туксизлангичи, дорилайдиган цех ишга туширилди. Бу, сифатли уруғлик чигит тайёрлаш имконини бермоқда. Мавсумда қамашли пахта тозаловчилар вилоят колхоз ва совхозларига 5 миң тонна уруғлик, шу жумладан 1 миң тонна туксизлангичлангич чигит етказиб берилди.

М. ҚАРОМОВ.

«Совет Ўзбекистон» муҳбири.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ЛАБОРАТОРИЯЛАР ВУЗИЧА ВАКАНТ
ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қаттиқ жисмлардаги дефектлар структураси: етакчи илмий ходим (фан доктори);
— катта илмий ходим (Давлат программаси бўйича иш);
— илмий ходим;
— Ярим ўтагитчларнинг радиацион физикаси: кичик илмий ходим;
Ядро моментлари: катта илмий ходим;
Кўп частотали жарайлар ва математик моделлаштириш: етакчи илмий ходим;
— катта илмий ходим;
— илмий ходим.
ИЛМИЙ ПРИВОРСОЗЛИК БУЛИМИ БУИЧА:
— катта илмий ходим;
— илмий ходим (2);
РЕАКТОРИНГ ИЛМИЙ ГРУППАСИ БУИЧА:
— катта илмий ходим.
Конкурс эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилади.
Хужжатлар қўйидаги манзилгоҳга юборилсин: 702132, Тошкент шаҳри, Қўйишев райони, Улуғбек посёлкаси.
Маълумотлар учун телефон — 69-41-59.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ҲУРМАТЛИ ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ,
КУЛГИ ШИНАВАНДАЛАРИ!

**«ПАХТАКОР» СТАДИОНИГА
МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**

«УСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ ВИРЛАШМАСИ
17 ва 20 апрель кунлари бўладиган футбол учрашувидан олдин

Сиз азизларни, бир неча дақиқа бўлсада мириқиб ҳордиқ чинаришга, яхши найфит билан севибли «Пахтакор» командамиз ўйинчиларини қўллаб-қувватлаш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Биз биринчи бўлиб стадионимизга қўнғонлик асқиячилар ва қизичилар Йўлдошхон НОСИРОВ, Ваҳодир ШОҚИРОВ, Мансурхон ОХУНОВ, Мамасиддиқ ШИРАЕВ, Муҳаббатхон ТОШПҲАТОВА, Ғиёсиддин АБДУРАҲМОНОВларни таклиф қилишни лозим топдик.
Футбол чиптасига «УСАРФИЛЬМ»нинг 50 тийялик чиптаси қўшиб сотилади.
«УСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ ВИРЛАШМАСИ

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрилиги
Урта Осие темир йўл қурилиш трестига ва базасига қарашли

15-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 йил учун
ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЙИГИТЛАР УЧУН

Қурилиш машиналарини ремонт қилиш технологияси бўйича слесарлар, монтажчи, ришт терувчилар, бўёқчи-сувоқчилар, дурадгор, дурадгор-мебелчилар, автоматика ва телемеханика қурилмалари билан жиҳозлаш бўйича монтерлар, электр пайвандчилар, электр ва газ пайвандчиси ва плита ўрнатувчилар.

Бир йиллик гуруҳларга 11-синф ҳажинида маълумотга эга бўлган йигитлар қўнидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади:
— электр пайвандчи, электр ва газ пайвандчи, дурадгор, дурадгор мебелчилар, қурилиш бўёқчиси, ришт терувчи ва пардозловчилар. 30 сўм стипендия тўланади. Совет Армиясини 1990 йил май ойида тугатганларга 75 сўм стипендия берилади.

ҚИЗЛАР УЧУН

«Давлат жағғарма насаларида ишловчи кассир-контролёрлик»на фақат йўлланма билан келганларга ойига 70 сўм стипендия тўланади.
Вичувчи-тикувчилик, фақат шаҳарда пропискаси бўлган қизлар қабул қилинади ва ойига 30 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш практикиси даврида ҳамма ўқувчиларга иш қилиш 50 фоиз тўланади.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини аёло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус билим юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Билим юртини битирган ўқувчиларга Урта Осие темир йўл қурилиш бошқармалари трестига йўлланма берилади. Билим юртини аёло баҳоларга тамомлаганлар олий ва лойларидан келганлар жой билан таъминланадилар.

Шунингдек билим юртида бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди, спорт секциялари ишлаб турибди. Билим юрти насблар ва умумтаълим фанлари бўйича ўқув базасига эга.

МАШҲУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қирувчилар қўнидаги хужжатларни тоширадилар: директор номига ариза, тутилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, медицина справкиси, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамама райони, Слоним кўчаси, 113-ўй. 26, 61, 23, 154-автобусларнинг «Изаат»; 3, 23-трамвайларнинг «Котельная» бекатлари. Телефонлар: 96-17-61, 96-43-41.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги

Н. К. КРУПСКАЯ
НОМЛИ ПЕДАГОГИКА
БИЛИМ ЮРТИ

19 апрель соат 15.00 да

**ОЧИҚ ЭШИКАД
КУНИНИ УТКАЗАДИ**

Адресимиз: 700096, Чилонзор райони, Муқимий кўчаси, 178-ўй (77, 34, 13-автобуслар: 12-троллейбус; 4, 9, 11-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати).

Тошкент давлат дорилфунуни

нинг амалий математика ва механика факультети жамоаси амалий статистика ва амалларий таъдир этиш кафедрасининг ассистенти Ш. Ҳ. Комилова отаси

Ҳиннат КОМИЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нахор қилади.

Урта Осие таълим педина

три институт ректорати 4-болалар катталликлари кафедраси доценти

Рашид Расулович НИЗОВНИНГ

вафот этганлиги чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия нахор қилади.

Тошкент давлат дорилфунуни

ва ва биология факультети раҳбарияти декан ўринбосари, одам ва ҳайвонлар физиология кафедрасининг доценти М. С. Иргашева онаси

Ҳадиша ИРГАШЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нахор қилади.

Тошкент давлат педагогика

институт ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда дин, атеизм тарихи ва назарияси, этика ва эстетика кафедраси жамоаси шу кафедраси доценти

Вончило Наримович НАРИМОНОВНИНГ

вафот этганлиги чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия нахор қилади.

Ўзбекистон Журналистлар

уюшмасининг ҳайъати ҳамда ветеран журналистлар Кенгаши партия, Улуу Ватан уруши ва меҳнат ветерани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси

Умар ХУМБАЕВНИНГ

вафот этганлиги чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия нахор қилади.

Тошкент давлат дорилфунуни

нинг хукушунослик факультети жамоаси шу факультет ўқитувчиси У. Аюпова отаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган хукушуносно

Тулаган АЮПОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нахор қилади.

**ВОЛАЛАРИНИҒИЗА
ЎҚИБ ВЕРИНГ**

ЧАҒАЛАЙ

Ҳарин уриб ўзининг
Чирқирайсан, чағалай,
Тушумайман сўзининг
Не сўрайсан, чағалай!
Оппон тўшли оқ қўшим,
Излаганин Оролми!
Афсус қурир дарёлар,
Оролгача боролмай,
Пахта эккан акалар
Бурдилар дарё йўли,
Суви қуриб Оролнинг
Кум босмоқда ўнг-сўлини,
Сен чарх урасан, чағалай,
Сен денгиздан сув сўраб,
Шўрлик Оролнинг ўзи
Намоят истар сувсираб.

ЙИГИТ

«Сен йигитсан, — дейдилар
Азим бувавлар менга, —
Йилгатамни аянгини,
Суяниб қолган сенга»,
Адам Афғонистонга
Жангга кетган эдилар.
Аямлардан сўрасам,
«Келиб қолар» дедилар.
«Келиб қолар» дерлар-у
Йилгашлари валади,
Мени қийнайдди жуда
Аямнинг бу ҳолати,
Шунча «Йилгатамайман» деб,
Берсам ҳамки чин сўзим,
Аямларга қўшилиб
Йилгавораман ўзим.

ТУШ

Тушманда-чи, ойинин,
Ка-т-та экан боғимиз,
Унга сириб кетаркан
Хаттон кишлоқимиз,
Мен қанча арумоқин
Бораримизман елдириб,
Йашаган боғ-ро